



# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

SHU AZIZ  
VATAN —  
BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 19-avgust • Payshanba • 96 (31.216) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan  
www.uzbekistonovozi.uz e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги нишонланиши муносабати билан дам олиш кунларини кўчириш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2010 йил 28 август шанба ва 29 август якшанба дам олиш кунлари 2010 йил 30 август душанба ва 31 август сешанба кунларига кўчирилсин.

28 август шанба ва 29 август якшанба кунлари иш кунлари деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти **И.КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри,  
2010 йил 18 август



## Қувасойнинг янги қиёфаси →2

Шаҳар «Нуроний» жамғармаси раиси Турсунали аканинг кеча-қундуз баналиги ҳақида айтгандаки. Сабаби ободонлаштириш ишдан ҳеч ким четла тураётгани йўқ. Қувасойдаги 170 дан зиёд кўп қаватли уй, 50 га яқин маҳалладаги хонадонлар, кўчалар, ишлаб чиқариш, маънавий бинолар таъмирланиб, тамомла янги қиёфага кирди.

## ЎЗХДП: электорат манфаати



Арслон КАННАЗАРОВ (Уш) олган сурат.

Қорақалповистон Республикасида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш борасида кенг қўлланма ишлар амалга оширилмоқда. Амурарё туманидаги «Маданият» қишлоқ

врачлик пункти жамоаси ҳудуддаги 5091 нафар аҳолига кўнгилдагидек тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Мазкур қишлоқ врачлик пункти «Саломатлик-1» лойиҳаси асосида зарур тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган.

## Марднинг қўшиғи — Ватан

### ЎЗХДП ҳаёти

■ Она Ватан тарихнинг қайси бир воқеасига гувоҳ бўлмади, она халқ тақдирнинг не-не синовларини бошидан ўтказмади. XX асрнинг охирига келиб, ниҳоят, озодлик насиб этди.

Бугун мустақилликнинг 19-йилида дадил одимламоқдамиз. Халқ озодлиги йўлида мардлик ва жасорат кўрсатган аждодлар унутилмайди. ЎЗХДП Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Шаҳидлар хотира-

си» ҳайрия жамғармаси ҳамкорлигида «Ватан мустақиллиги, халқимиз озодлиги учун курашганлар хотираси абадийдир» мавзусида амалий тадбир ташкил этилди. «Қатагон қурбонлари хотираси»

музейида бўлиб ўтган тадбирда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ЎЗХДПдан сайланган депутатлар, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчилари ҳамда партия фаоллари иштирок этишди. Уни Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари Маргарита Аҳмедбекова очди. Музейни ташкил қилишдан кўзланган мақсад ва унинг мамлакатимиз ёшларини маънан етук, баркамол авлод этиб тарбиялашдаги аҳамияти ҳақида музей директори, тарих фанлари доктори Бахтиёр Ҳасанов атрофли маълумот берди. →2

Мақсадга  
эришиш  
йўли →2

Янги  
«Китоб  
маркази» →4

Ўзбекистонга биринчи марта келишим. Бу ерга келиб кетган ҳамюртларим таърифлаганидек, Ўзбекистон мўъжизалар мамлакатидир экан. Бухоро ҳақида кўп эшитганман. Лекин минг эшитгандан бир кўрган афзал, дейдилар. Қадимий шаҳарнинг тарихий обидалари мени ҳайратта солди. Аждодларингиз яратган ноёб меъморлик санъати намуналари эъзозлаб келинаётганига, халқингиз бу меросни кўз қорачигидек асраб-авайлаётганига гувоҳ бўлдим.

Хунармандлик расталари ва устaxonаларни тамоша қиларканман, зардўзи буюмлар, рангбаранг нақшлар билан безалган шоҳи сўзана-лар, бежирим гиламларни кўриб, завқим ошди. Бу санъат асарлари юртингизда миллий хунармандликни ривожлантиришга, ёшларни боқий қадрият ва анъаналар руҳида тарбиялашга қаратилган эътибордан далolatдир».

Анна Мария ЧИЧЧИ,  
ўқитувчи (Италия)



**1991**  
«...эзу одатимизга айланиб кетган меҳр-оқибат тушунчасини оладиган бўлсак, унинг жуда теран тарихий, миллий, диний илдизлари борлигини кўриш мумкин. Бу аввало инсоннинг инсон билан, қўшнинг қўши билан, қариндошнинг қариндош, оиланинг оила билан, энг муҳими, шахснинг жамият билан уйғун бўлиб яшашини, етим-есир, бева-бечора ва ногиронларга, мусофирларга саховат кўрсатиши, сўқидилдан, бегараз ёрдам беришини англатади ва бундай хусусият халқимизнинг мағнавий оламига сингиб кетганини ҳеч ким инкор эта олмайди».

**2010**  
«Юсак маънавият — энгилмас куч» китобидан

## Август — пахта ҳосилига ҳосил қўшиш ойи

## Тунги суғориш — ҳосилга қувват

■ Ҳозир ҳақиқий деҳқон далада бўладиган палла. Бироз бепарволик қимматга тушади. Экинзорга ҳашарот оралаши мумкин. Зараркунандаларга қарши биологик усул қўллаш самаралидир.

Зараркунандаларнинг ҳосилни нобуд қилишига йўл қўймаймиз. Кузатувчилар кунига ҳар бир далани кўриб, хулоса чиқаришади. Вилоятимизда 5 августда гўза парваришида зарбдор 20 кунлик эълон қилиниб, алоҳида агротехник тадбирлар ишлаб чиқилди. Шунга кўра, гўза қатор орасига ишлов бериш узлуксиз олиб борилмоқда. Деҳқонларнинг меҳр тафтидан гўзалар қувват олмақда. Ҳосил етилиши жадаллаштиради. Миришкорлар «Асад суви — асал суви» деб бежиз

таърифлашмаган. Бунда экинзорнинг сувга бўлган талабини эътиборга олиш даркор. Суғоришни тунда бажариш кони фойда. Кўсалар бўлик, ҳосил тўлик бўлади. Механизаторларимиз Кимсанбой Дадажонов, Нўмонжон Хабибидинов гўза қатор орасини культивация қилишда ибрат кўрсатишяпти. Август ойида икки марта культивация ўтказишнинг фойдаси кўп. Гўзанинг амал олиши кучаяди. Ҳосилга ҳосил қўшади.

Миришкор сувчилар Фозилжон Исақулов, Давлатбек Қосимовнинг меҳнати билан гўзалар обихаётга қоняпти. Сувчилару механизаторларнинг меҳнати қадрлангани уларни янада масъулият билан ишлашга ундайди. Юсак пахта хирмони пешона тер билан, астойдил меҳнат билан яратилди. 44 гектар пахтазорда мўл ҳосил яратиш учун кураш жадал борапти. Ҳар түп гўзада пайдо бўлган 10-12 кўсакка яна шунча кўшиш фермер ҳўжалигимиз деҳқонларининг эзгу ниятидир. Абдумажид АБДУЛҲАКИМОВ, Андижон туманидаги «Омадли лочин» фермер ҳўжалиги раҳбари, ЎЗХДП аъзоси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати.

## Ижтимоий масалалар ўз ечимини топмоқда

### ЎЗХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан

■ Халқ депутатлари Тўрақўрғон туман Кенгаши депутатларининг 24 нафари ЎЗХДП вакилидир. Бу жами депутатларнинг 80 фоизини ташкил этади. Албатта, халқнинг бу ишончи улар зиммасига катта масъулият юклайди.

Айни пайтда, туман партия кенгаши депутатлик гуруҳи билан бирга, дастурий мақсадлар асосида аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож катлами манфаатига хизмат қилувчи ўзига хос ташаббусларни илгарти сурмоқда. Туман партия кенгаши раиси Орифжон Охунов туман Кенгаши депутати, депутатлик гуруҳи раҳбаридир. Халқ депутатлари туман Кенгашининг биринчи ташкилий сессиясида у сўзга чиқиб, ҳар ойнинг охири жума кунини туманда соғлиқни сақлаш тизими ходимлари билан ҳамкорлик куни, ойнинг охириги шанба кунини эса таълим тизими вакиллари билан ҳамкорлик куни деб эълон қилишни таклиф этди. →2

ОБ-ҲАВО 19-20.08.2010

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	☀ 38°C	☀ 39°C
Самарқанд	☀ 39°C	☀ 40°C
Нукус	☀ 39°C	☀ 40°C
Қарши	☀ 42°C	☀ 41°C
Ургач	☀ 39°C	☀ 40°C
Навоий	☀ 38°C	☀ 39°C
Фарғона	☀ 37°C	☀ 38°C
Бухоро	☀ 38°C	☀ 39°C
Андижон	☀ 37°C	☀ 38°C
Наманган	☀ 37°C	☀ 38°C
Термиз	☀ 42°C	☀ 43°C
Жиззах	☀ 38°C	☀ 39°C
Сирдарё	☀ 38°C	☀ 39°C
Тошкент вил.	☀ 38°C	☀ 39°C
Лондон	☀ 33°C	☀ 34°C
Париж	☀ 37°C	☀ 38°C
Москва	☀ 37°C	☀ 35°C
Мадрид	☀ 37°C	☀ 38°C
Пекин	☀ 35°C	☀ 34°C
Гонконг	☀ 38°C	☀ 40°C
Рим	☀ 35°C	☀ 37°C
Анкара	☀ 34°C	☀ 36°C
Токио	☀ 34°C	☀ 35°C
Стокгольм	☀ 33°C	☀ 35°C
Кейптаун	☀ 24°C	☀ 23°C
Қоҳира	☀ 33°C	☀ 34°C
Гавана	☀ 40°C	☀ 38°C
Вашингтон	☀ 27°C	☀ 26°C

O'zbekiston havo yo'llari



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2010 ЙИЛ 17 АВГУСТДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1435,02	1 Миср фунти	282,78	1 СДР	2436,38	10 Жанубий Корея вони	13,53
1 Англия фунт стерлинги	2511,21	1 Канада доллари	1547,84	1 Туркия лираси	1062,16	10 Япония иенаси	187,75
1 БАА дирхами	435,33	1 Ҳитой юани	236,84	1 Швейцария франки	1533,99	1 Россия рубли	52,97
1 АҚШ доллари	1611,30	1 Малайзия рингити	506,54	1 Евро	2102,45	1 Украина гривнаси	204,22

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Хизматлар дорағзалланган

# Ижтимоий масалалар ўз ечимини топмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Таклиф Кенгаш томонидан маъқулланди. Чунки унинг мазмун-моҳияти эзгу мақсадларга хизмат қилиб, ўша кунги соҳа вакилларига эътибор қаратилиб қолмай, уларнинг ҳаётини муаммоларини биргаликда ечишга, умуман, бирдамлик ва ҳамкорликка хизмат қиларди. Шундан бўён белгиланган кунда депутатлар ўз сайлов округларидаги сиёсатчилар, қишлоқ врачлик пунктлари, поликлиникалар, мактаб ва касб-ҳунар коллежларида, мактабгача тарбия муассасаларида бўлиб, тизимда учраётган муаммоларни ўрганади, фуқароларни қабул қилади. Бу депутатларнинг сайловчилари билан мунтазам яқин алоқанда бўлишига, юзга келган масалалар ечимини ҳамкорликда топшига, бирдамликни мустақамлашга замин яратмоқда.

— Депутатлик гуруҳимиз ташаббуси билан бошланган ҳаракат яхши самара бераёпти, — дейди Бекобод сайлов округидан туман Кенгаш депутати Тоҳиржон Гафуров. — Тиббиёт ва таълим муассасаларида бўлганимизда, тизим ходимлари фақат ўз масалалари, соҳасига оид масалаларни қўйиш билан чекланмай, аҳоли турмуш маданиятини юксалтиришга оид таклифларни ҳам ўртага ташламоқда. Утган давр ичиди сайловчилар билан бирга олиб борган ишларимиз натижаси ўлароқ ўзим сайланган ҳудуд-

даги 12 километр ички йўл асфальтланди. Қишлоқ врачлик пункти таъмирланди. Шунингдек, депутатлик гуруҳимизнинг бошқа аъзолари ҳам жамоатчилик фаолияти билан сайловчилар ишончини оқлатмоқда. Еттиқонлик сайловчилар депутат Хамидулло Нисомовдан, яндамаликлар депутат Алижон Абдуллаевдан, исваҳонликлар ўз депутатлари Гулзода Абдуллаевадан гоёт миннатдор.

Тиббиёт ва таълим муассасалари кунларининг белгиланиши вилоят Кенгаш депутатлари Халчаҳон Мирзаева, Муҳторжон Ҳошимжон, Абдураим Ҳомидов учун ўзига хос қўлайлик юзга келтирди. Ҳар ойнинг жума ва шанба кунлари депутатлар тиббиёт ва таълим тизими ходимлари ҳамда бошқа сайловчилар билан сиёсий, фуқаролик маърифати, маънавий-маърифий мавзуларда суҳбатлар ўтказишни йўлга қўйишди. Унда парламентдаги вакиллари ҳам иштирок этишмоқда. Яқинда туман марказидаги «Ширинлик» агрофирмасида депутатлик гуруҳининг навбатдаги сайёр йиғилиши бўлиб, унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Зиёвуддин Мансуров иштирок этди.

Умуман, депутатлар гуруҳининг таклифи билан ижтимоий-иқтисодий масалалар жойида ҳал этилмоқда. Айримлари умумлаштирилиб, туман Кенгаш сессияси муҳокамасига олиб чиқиш учун тайёёрланмоқда.

Носиржон ДЕКҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



## ЎзХДП: Бошлангич

### ташкilot — асосий таянч

Тарафдорларни кўпайтириш, ғояларни тарғиб қилиш, электорат билан иш олиб боришда, табиийки, асосий масъулият бошлангич ташкилотлар зиммасига юкланади. Шунинг учун ҳам фаол, кучли бошлангич ташкилотларга эга сиёсий партия, шубҳасиз, бақувват бўлади.

# Мақсадга эришиш йўли

Наманган вилоятининг Чортоқ туманида бугун партиянинг 2500 га яқин аъзоси бор. Улар 61 та бошлангич ташкилот атрофида биригашган. Туман партия кенгаши раиси Жамолиддин Қодировнинг таъкидлашича, «Чортоқ» санаторийси ОАЖдаги ЎзХДП бошлангич ташкилоти туманда энг фаол иш олиб бораётган, ташаббуслар қўйиш ташкилотлардан бири ҳисобланади. Мазкур бошлангич ташкилот фаолияти билан таълим, оғир, бу фикрнинг қанчаллик ҳақиқат эканига ўзимиз амин бўлдик.

— Маслаҳодларимни мени етакчи этиб сайлашганига ҳали бир йил ҳам бўлмади, — дейди бошлангич ташкилот раиси, даволончи врач-эндокринолог Дилором Мамадалиева. — Очиги, аввалги етакчининг бошлангич ишларини давом эттиришга ҳаракат қиламан. Фаоллар билан бамаънаса турли тадбирлар ўтказаямиз. Партиявий фаолиятда энг муҳим йўналиш бу тарғиботдир. Шунинг учун ҳам, аввало, партиянинг мақсадларини нафақат жамоадорлар, балки партиянинг тарафдорлари ўртасида ҳам турли суҳбатлар, савол-жавоблар асосида тарғибот ишларини олиб бормоқдамиз. Бошлангич ташкилот атрофида ҳислашган 21 нафар аъзо

— 10 нафар врач, кичик тиббиёт ходимлари ва бошқаларнинг барчаси ўз ишини севадиган, партиявий фаолиятни яхши тушунадиган кишилардир. Шу туфайли бошлангич ташкилот ишини изчил олиб бориш бизга қийинчилик туғдирмайди.

Етакчи билан бирга санаторийни айландик, партиявий аъзолари, тарафдорлари билан суҳбатлашдик.

— Партиявий илгари сураётган энг асосий ғоялардан бири бу ижтимоий ҳимояга кўтараятган ижтимоий бирдамлик, ижтимоий ҳимоя ғояларининг амалдаги ижросига қаратилган, деб айтиш мумкин.

Бошлангич ташкилотнинг энг асосий иши партия дастуридаги вазифаларни амалга ошириш экани маълум, — дея суҳбатга қўшилади санаторий бошқаруви раисининг керак. Биз эса бу борада ҳар доим ЎзХДП бошлангич ташкилотнинг фикри билан кизикамиз. Партиявий фаолиятда энг муҳим йўналиш бу тарғиботдир. Шунинг учун ҳам, аввало, партиянинг мақсадларини нафақат жамоадорлар, балки партиянинг тарафдорлари ўртасида ҳам турли суҳбатлар, савол-жавоблар асосида тарғибот ишларини олиб бормоқдамиз. Бошлангич ташкилот атрофида ҳислашган 21 нафар аъзо

димга оилавий шароити ўрганилиб, қорамол олиб берилди. Санаторийда ишловчи кам таъминланганларга моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Ходимларимиз орасида ҳамда вилоятимизда истиқомат қилувчи 50 нафардан ортиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож кишилар шу ерда беғул соғлиқларини тикладилар. Худуддаги кесаллар, ногиронлар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳолидан доим хабар олиб турилади. Буларнинг барчаси ўзимиз кўтараятган ижтимоий бирдамлик, ижтимоий ҳимоя ғояларининг амалдаги ижросига қаратилган, деб айтиш мумкин.

Бошлангич ташкилотнинг энг асосий иши партия дастуридаги вазифаларни амалга ошириш экани маълум, — дея суҳбатга қўшилади санаторий бошқаруви раисининг керак. Биз эса бу борада ҳар доим ЎзХДП бошлангич ташкилотнинг фикри билан кизикамиз. Партиявий фаолиятда энг муҳим йўналиш бу тарғиботдир. Шунинг учун ҳам, аввало, партиянинг мақсадларини нафақат жамоадорлар, балки партиянинг тарафдорлари ўртасида ҳам турли суҳбатлар, савол-жавоблар асосида тарғибот ишларини олиб бормоқдамиз. Бошлангич ташкилот атрофида ҳислашган 21 нафар аъзо

масалаларни аввал ўзимиз муҳокама қилиб, сўнг уларни депутатлик гуруҳларимизга етказамиз. Халқ депутатлари туман Кенгашининг 30 нафар депутатидан 17 нафари, туманимиздан вилоят Кенгашига сайланган 4 нафар депутатнинг 2 нафари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган бир нафар депутат партиявий вакили эканини ҳисобга олсак, биз кўтараятган масалаларнинг ечимини топиш имкониятлари ҳам катта экани аён бўлади.

— Мен бирор-бир партия аъзоси эмасман, — дейди кичик тиббиёт ходими Эътиборжон Тўхтасинова. — Лекин ҳар доим Халқ демократик партиясини қўллаб-қувватлайман. Негаси? Чунки, шу партия илгари сураётган ғоялар оилам фаровонлигини янада оширишига ишонаман...

Дарҳақиқат, одамларни эргаштириш, ишончга сазовор бўлиш осон эмас. Ишонч ортда эса меҳнат бор, излашади, янгиликни бор. Жамоа партиямизга ишонгаётган, ғояларига тарафдор бўлаётган экан, шунинг ўзи бошлангич ташкилот фаолиятининг самарасини кўрсатиб турибди. Бу партиянинг мақсади эришиш йўлидир.

Бекзоҳ ШУКУРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

# Марднинг қўшиғи — Ватан

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Миллатимиз салоҳияти, Ватанимиз тараққиётини юксалтиришни энг буюк мақсад деб билган жасур ва фидойи аждодларимиз амалга оширган эзгу ишларга эҳтиром кўрсатиш ҳар биримизнинг бурчимиздир, — деди у. — Музей миллатимиз тарихий хотирасининг бир саҳифаси, шу маънода у Ватанимизнинг бугунги кунига хизмат қилади.

— Партиявий ёшлар ҳар томонлама етуқ, фаол бўлиши учун жон куйдираётгани бежиз эмас, — деди Юнусобод туман партия кенгаши раиси Нигора Эшметова. — Келажак эгалари шу ёшлар. Бугун биздан талаб қилинаётган вазифа — юрт озодлиги йўлида қурбон

бўлган аждодларимиз ватанпарварлигини ўз фаолиятининг етакчи мезонига айлантириб олиш, десам, янгиликмаган бўламан.

Шундан сўнг иштирокчилар музейнинг қимматли экспонатлари билан танишдилар. Музей 3 та залда жойлаштирилган 10 та бўлимдан иборат бўлиб, биринчи, иккинчи залларда қатагон этилган зиёлилар ҳаётига оид маълумотлар акс эттирилган.

Неча асрлардан бери яшаб келаятган улуг инсоний кадриятларини топташ, беғуноҳ одамларга етказилган руҳий зулм қаршида мардларча тура олган юрт фарзандларининг заҳмати ва машаққатини кўз олдингиздан ўтказар экансиз, бугун зиммангизда адо этилиши зарур бўлган ватанпарварлик бурчини чуқур ҳис этасиз.

Ноҳақ қатагон этилган ҳар бир маърифатпарвар сурати ва сийрати мисолида аччиқ тарихий сабоқ чиқарасиз.

Музейнинг учинчи бўлими «Мустақиллик йилларида тарихий адолатнинг тикланиши, қатагон қурбонлари хотирасининг абадийлаштирилиши, миллий кадриятларини асраб-авайлаш ва ривожлантириш йўлида амалга оширилган тарихий ишлар», деб номланган, бунда чуқур маъно бор, — дейди «Истикбол» ёшлар қаноти Собир Раҳимов туман етакчиси Бахтиёр Отахонов. — Биз шу орқали Ватанга садоқат, озошлик йўлидаги кураш изсиз кетмаслиги амин бўламиз. Шубҳасиз, музей ёшларга қимматли маънавий-руҳий қувват манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Тўлқин ТЎРАХОНОВ



# Қувасойнинг янги қиёфаси

### Истиқлол имкониятлари


Шу кунларда Турсунали Мирзашариповнинг қўли-қўлига темайди. Ҳали у маҳаллага таклиф қилиб маслаҳат сўрайдилар, ҳали бу корхона бажараётган ишлари ҳақида кенгашади. Бу ёқда биз бу ишлардан четда турмаймиз, деган эллик чоғли оқсоқолга бош бўлиб, кунда хашарга чиқади. Ҳа, бугун Қувасой гуё уйқудан уйғонган шахарга ўхшайди.

Фарғона вилоят ҳокими шу йилнинг 8 июль куни Қувасой шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида қарор қабул қилди. Унда шахарда янги қувватларни ва ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, мавжуд саннат корхоналарини модернизациялаш, технологик жиҳатдан кайта жиҳозлаш ва молиявий соғломлаштириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, кенг микёсда ободонлаштириш, бино-иншоотлар қуришни замонавий архитектура ва қурилиш талабларига мос равишда ташкил этиш кўзда тутилган. Ишчи гуруҳи қиска вақт ичиди катта ишларни амалга ошириб улгурди.

— Дастур асосида шахримизда бугунгача қарийб 1 миллиард сўмлик ишлар бажарилди, — дейди Қувасой шаҳар ҳокими ўринбосари

Тўхтасин Абдуқодиров. — Ҳозир ҳар бир корхона аниқ режа асосида ўз фаолиятини ривожлантирмоқда. Маҳалла-мавзелада эса ободонлаштириш ишлари якунланган.

Қувасой бог-роғлар қўйнида жойлашган сўлим гўша. Унинг гилосию ноки, бехисию олмаси тиллар-



да достон. «Ўзбегим» агрофирмаси шу мева-чева ва полиз маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган.

— 48 та янги иш ўрни ташкил этдик, — дейди агрофирма раҳбари Асқарали Қодиров. — Мақсадимиз — Қувасой меваларидан олинган шарбатни қадоклаб, чет элларга экспорт қилиш.

«Фарводийагросервис» агрофирмасида кўзқорин етиштириб қурилиш ва консерваланган ҳолда экспорт қилинаётган эди. Бу ерда иссиқхона ташкил этилди.

— Энди помидорнинг эртани навларини экиб, томат пастиаси ҳам ишлаб чиқарамиз, — дейди Акромжон Абдулазимов.

73-автотранспорт корхонасида иш ҳажми қисқариб, молиявий танг аҳвол юзга келганди.

— Бунинг асосий сабаби транспорт воситаларининг маънан эскиргани, юк ташиш қувватининг



пастлиги, ёниги сарфининг эса аксинча юқорилиги эди, — дейди директор Маҳмуджон Ҳамидов. — Биз жамоа билан маслаҳатлашиб Самарқандда ишлаб чиқарилаётган юқори унумли юк машиналаридан сотиб олишга қарор қилдик. Вилоят ҳокимиятининг ёрдами билан бунинг учун 1 миллиард сўм кредит олиш ҳаракатидамыз.

«Қувасойавтотранс» масъулияти чекланган жамияти эса шахар марказидаги эътибордан четда қолиб кетган теннис корти мажмуасини мукамал таъмирдан чиқарди.

— Баркамол авлод йиғилиши шахримиз ёшларига совға бўлсин, дея шундай қилдик, — дейди Шодмон Орипов. — Лекин бу билан чегараланмаймиз. Биз мажмуа ҳудудида сув ҳавзаси, ёшлар дам олиш оромгоҳи, «Боулинг» қўрмоқчимиз. Ҳали кўрасиз, Исфайрам дарёсининг қирғоқлари ёшларнинг ҳақиқий сайилгоҳига айланади.

Дастурга кўра, кам рентабелли корхоналарга моддий ёрдам сифатида имтиёзли кредитлар бериш, истиқболсиз саннат корхоналарини мулкдорларга сотиш ҳам режалаштирилган. Банкнот ҳолатига тушган «Қувасой чинниси» корхонаси 5 миллион доллар инвестиция қиритиш шарти билан «но!» қийматда сотилиши эълон қилинди.

— Ҳозир унга бир неча хорижий фирма ва компаниялар қизиқиш билдирмоқда, — дейди Тўхтасин Абдуқодиров.

Шаҳар «Нуроний» жамғармаси раиси Турсунали ақанинг кеча-кундуз бандлиги ҳақида айтгандик. Сабаби ободонлаштириш ишидан ҳеч ким четда тураётгани йўқ. Қувасойдаги 170 дан зиёд кўп қаватли уй, 50 га яқин маҳалладаги хонадонлар, кўчалар, ишлаб чиқариш, маънавий бинолар таъмирланди, таъмила янгича қиёфага кирди.

— Ким фурсат топди дегунча хашарда қатнашаверди, — дейди нуронийлар раиси. — Қувасойнинг гуллаб-яшнашига ҳамма баварава ҳисса қўшяпти. Илоҳим, юртимиздаги тинчлик, бахти бутунлик барқарор бўлсин. Ҳали кўрасиз, Мустақилликнинг 19 йиллик кунини ҳам бу йил янада ўзгача, кўтаринки кайфиятда байрам қиламиз.

Муҳаммаджон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

# Йўловчи транспорт ва истеъмолчи ҳуқуқи



### Жамоатчилик назорати

Пойтахтимиз инфратузилмасини ривожлантириш, унинг баҳаю табиатини асраб-авайлаш, шахарликлар ҳамда меҳмонларга қўлайлик яратиш мақсадида қатор ишлар амалга ошириляпти. Миллий ва замонавий меъморчилик ечимлари асосида янгидан-янги мажмуаларнинг бунёд этиляптгани, шинам уй-жойлар қуриляптгани, йўллар, кўприк ва йўл ўтказгичлар барпо бўляптгани, жамоат транспорти техник паркни йил сайин янгилашни борилаяптгани фикримизга мисол бўла олади.

Хусусан, «Шаҳар йўловчи транспорти тўғрисида»-ги қонун, Президентимизнинг «Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада тақомиллаштириш тўғрисида»-ги Фармони, «Тошкент шаҳрида йўловчи автобуслар билан қўшимча таъминлаш тўғрисида»-ги Қарори, Вазирилар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори бу борадаги ишларнинг ҳуқуқий асосини таъминламоқда.

Ҳақиқатан ҳам, пойтахтимизда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиши янада яхшилаш бўйича ҳукуматимиз ишлаб чиққан дастурлар рўй-ёбга чиқарилмоқда. Бу сабаб-ҳаракатларнинг барчаси ҳам-юртларимизнинг узогини яқин, оғирини энгил қилишда айни мuddао бўлмоқда. Бирок баъзан кўчаларимизни тўлдиритган турган замонавий автобусларга чиқар экансиз, кўнглингизни хира қиладиган, йўловчиларга ортинча муаммо туғдираётган нуқсонларга ҳам кўзингиз тушади.

Муҳаммаджон КОДИРОВ олган суратлар.

гимизни ҳовуқлаб ўтирдик. Шаҳар марказида автобусни елдек учираётган ҳайдовчи баъзан кескин ҳаракат билан машинани тўхтаётган, оқибатда тик оёқда келаятган йўловчилар бир-бирини туртиб-суртиб, йикилишдан уларнинг эўрга тутиб қолишарди. Айрим мўйсафид йўловчилар ҳайдовчидан секинроқ ҳайдашни сўради. Бирок у жавобини насия қилиб, қўл телефонида ўзидан олдинги ёки кейинги автобус ҳайдовчиси билан нималарнидир гаплашишдан тўхтамади. Ваҳоланки, барчага маълумки, транспортни бошқарётган пайтда угли алоқа воситасидан фойдаланиш тақиқланган.


Дарҳақиқат, айрим ҳайдовчиларнинг бундай хатти-ҳаракати, муомаласи яратилган шароит ва қўлайликларга, йўловчиларга хизмат кўрсатиш тартиб-қоидага бутунлай ярашқисиз. Касб тақозосига кўра отахон-онахонлар билан мулоқот қилганимизда, улар ноилиб қолишди: «Болам, сизлар давлатимизнинг хизматиди экансизлар, шуларга етказиб қўйинглар: қари жонимиз, автобусларга чиқсак, қўйналмаймиз. Баъзи чиптачиларнинг кўпол муомаласи, туртиб-суртиб юриши инсофданмас-да, ахир! Йўловчи ҳам истеъмол-

чи, хизмат ҳақини тўлаяпти. Манзилга ўз вақтида, беҳа-ҳарит етиб олмоғи керак. Баъзан йўлга отлансак, 10-15 минутда автобус келади, баъзан қирқ минутлаб кутамиз. Маълум бир оралик вақти бўлиши керак-ку, буларда!»

Истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш жамиятлари федерацияси томонидан Тошкент шаҳрида олиб борилган мониторингда ҳақиқатан ҳам жойларда бу каби муаммолар маъмулдиги аниқланган. Чунки, пойтахтимизнинг Чулзор, Юнусобод, Бектемир, Собир Раҳимов ва Утепа туманларида жойлашган жамоат транспорти бекатларидаги йўловчилар учун яратилган шарт-шароит қониқарсиз аҳолида. Айрим бекатлар ҳеч қандай соябон, ўриндик, махсус юкбилгичлар билан жиҳозланмаган. Баъзиларида эса тунги ёриткич мосламалари йўқ. Хусусий корхоналарга қарашли бир қатор бекатлар қурилишида йўловчилар ҳавфсизлигига риоя қилинмаган. Қолаверса, бу жойлардан савдо дўқони сифатида палатиниш фойдаланилаётгани ҳам шахарликлар учун қийинчилик туғдиримоқда.

Жамоат транспорти сизу бизга янада сифати хизмат кўрсатиши, ҳайдовчи чиптачиларнинг ҳушмуомала бўлиши бизнинг ўзимизга ҳам боғлиқ. Улар чегарадан чиқса, тартибга қасиб, танбех бериш, қонун-қоидаларни эслаб қўйиш, яъни жамоатчилик назоратини ўрнатилиши керак. Бу билан аввало ўзимизнинг истеъмолчи сифатида ҳуқуқимизни химоя қиламиз, қолаверса, жамоат транспортни белгиланган тартибда хизмат кўрсатишига замин яратамиз. Бу ҳақиқатни унутмаслик керак.

Алқаб НАБИРАЕВ, ҳуқуқшунос.



# «Банк = МИЖОЗ» дастури амалда

## Иқтисодиёт ва ислоҳот

■ Мамлакатимиз молия бозорига мустақам мавқега эга бўлган Ўзбекистон — Германия «Савдогарбанк» очик акциядорлик тижорат банки жамоаси миждозларга хизмат кўрсатиш борасида бир қатор ижобий натижаларни кўлга киритмоқда. Таъкидлаш жоизки, охириги йилларда банк хизмат кўрсатиш турлари кенгайиб, фаолияти универсаллашди. Бунга банкнинг Тошкент вилояти бўлими ва унинг филиалларида амалга оширилаётган ишлар ҳам мисол бўла олади.

Вилоятдаги бир неча юзлаб юридик шахс мақомидаги ташкилот ва корхоналарга ҳамда минглаб жисмоний шахсларга молиявий хизмат кўрсатишга асосланган бу молия муассасаси бугунги кунда жаҳоннинг ўнлаб мамлакатлари билан мустақам иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Шу боис илмий-техникавий, тижорат ва бошқа ишлар билан дунёнинг турли жойларида бўлаётган юртдошларимиз учун бундай тезкор пул ўтказиш тизимидан фойдаланиш катта кулайлик туғдирмоқда.

Президентимизнинг банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айландирмасига жалб этиш тўғрисидаги ҳамда аҳоли хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини тижорат банкларидеги депозитларга жалб қилишни янада рағбатлантириш тўғрисидаги қарорларига асосан «Савдогарбанк» тизимида аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш, улар манфаатларига мос равишда даромадларини кўпайтириш мақсадида «Бахтли болалик», «Навбахор», «Баркамол авлод», «Сармоя», «Жозибадор», «Ёз ифори», «Кувонч», «Фаровон ҳаёт» каби юқори фойзли омонат турлари жорий қилинган.

Амалга оширилган ишлар натижасида филиалларга 6913 та миждоз ўз маблағини турли омонатларга қўйди. 2010 йилнинг 1 август ҳолатига омонатлар қолдиғи йил бошига нисбатан 20-25 фоизга ўсган.

Вазирлар Маҳкамасининг пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш тўғрисидаги ҳамда Президентимизнинг пластик карточ-

калар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорлари талабларидан келиб чиқиб, Тошкент вилояти бўйича 2010 йил 1 август ҳолатига 41 819 та пластик карточка тарқатилиб, 318 та савдо терминаллари ўрнатилган. Бу терминаллардан январь-июль ойларида 20 451 165 минг сўм тушум тушган бўлиб, шундан 18 597 976 минг сўм савдо тушуми, 1 853 189 минг сўм коммунал тўловлардир.

Иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлаш банк кредит сиёсатининг устувор йўналишидир. Жорий йилнинг биринчи ярмида филиал томонидан кўплаб корпоратив миждозларга кредит маблағлари берилди. Вилоят ва туман филиаллари томонидан жорий йилнинг 1 август ҳолатига жами 11,6 млрд. сўм кредит ажратилди. Бунинг натижасида 250 та янги иш ўрни ташкил қилишга эришилди.

Банк кредит қўйилмаси 3,0 млрд. сўм қисқа муддатли ва узоқ муддатли 22,6 млрд. сўм активлардан иборатдир.

Банк филиали томонидан берилган кредитлардан аҳоли катта манфаат кўрмоқда. Яъни, улар ўзларининг иш фаолиятини ривожлантирмоқда, айланма маблағларни тўлдириб, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилашмоқда.



### ОАТ «Савдогарбанк» Тошкент вилоят филиаллари томонидан

*2010 йил 6 ойи давомида ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш мақсадида 6770,7 млн. сўм кредит ажратилди ва шу ҳисобидан жами 223 та иш ўрни яратилди. Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2010 йил 1 июль ҳолатига 343 миллион сўм ипотека кредитлари, 28800 минг сўм истеъмол кредитлари ва 79400 минг сўм микрокредитлар ажратилди. 2010 йил 1 июль ҳолатига 3050 минг сўм таълим кредитлари берилган.*

Эндиликда ҳар бир миждозга энг манфаатли банк хизматлари таклиф этилиб, оилаларга кириб бориш, муҳим ҳаётий масалаларни ҳал этишда қўмаклашиш, аҳолининг ишончини қозониш соҳа ходимларининг кундалик вазифасига айланиб қолган.

Юртбошимизнинг Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш тўғрисидаги қарори асосида 47 та кам таъминланган оилага қорамол сотиб олиш учун 121,9 млн. сўм кредит ажратилиб, 47 та янги иш ўринлари ташкил этилди.

Ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Чунончи, жорий йил 1 август ҳолатига 451,2 млн. сўм кредит ажратилган. Амалиёт бўлими томонидан ажратилган 298 млн. сўм кредит маблағлари ҳисобига 4 та ёш оила уй-жой билан таъминланди. Филиаллар томонидан 15 та ёш оилага жами 153,2 млн. сўм миқдорда ипотека кредитлари, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар ажратилди.

Жорий йил 1 август ҳолатига ўз фаолиятини ривожлантиришга ҳаракат қилаётган аёлларга 878,1 млн. сўм миқдорда кредит ажратилиб, 50 та янги иш ўрни яратилди.

Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш учун ажратилган 3812,0 млн. сўм кредитлар ҳисобига жами 72 та янги иш ўрни ташкил этилган.

Банк миждозини зангиоталик Абдуғофур Нурматов кўп йиллардан буён деҳ-

қончилик билан шуғулланиб келади. У шу мақсадда иссиқхона қуриш учун банк филиалидан 30 млн. сўм кредит олди.

Бугунги кунда у йилига 10 тонна помидор ва 7 тонна бодринг маҳсулотлари етиштирмоқда. Корхона томонидан ишлаб чиқилган бизнес-режага мувофиқ сотилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан йилига жами 42,0 млн. сўм миқдорда даромад олинмоқда. Хизмат кўрсатувчи банкнинг кредит маблағлари ишлаб чиқариш қуввати 12,7 фоизга ошишига, ҳар йили ўртача 8,0 млн. сўм миқдорда қўшимча фойда олишга ҳамда 4 та янги иш ўрни ташкил этишга эришилди.

Президентимизнинг қарорига асосан ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга 2010 йил 1 август ҳолатига 890 млн. сўм кредит ажратилган. Жумладан, Зангиота филиали томонидан 650,0 млн. сўм, Фазалкент филиали томонидан 40,0 млн. сўм, Амалиёт бўлими томонидан 200,0 млн. сўм кредит маблағлари ажратилди. Жами 27 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Мисол учун, Фазалкент филиали миждозини «Граф» хусусий дўкони туман аҳолиси ва дам олувчиларга савдо хизмати кўрсатади. Дўкон банкдан 10,0 млн. сўм миқдорда кредит олган. Бунинг натижасида 4 та янги иш ўрни яратилди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг тегишли бандларида белги-ланган вазифаларни амалга оширишга ҳам астойдил ҳаракат қилинмоқ-

да. Жорий йил 1 август ҳолатига янги ишлаб чиқариш корхоналарини ишга тушириш, фаолият юритаётганларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш учун 252,4 млн. сўм, ёш оилаларга уй-жой қуриш, мавжуд уйлари таъмирлаш ва янги уйлари сотиб олиш учун имтиёзли ипотека кредитлари билан таъминлаш мақсадида 298,0 млн. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «2010-2012 йилларда Тошкент вилоятининг саноат салоҳиятини ошириш, шунингдек, истиқболсиз корхоналарни тарқибий ўзгартириш, молиявий соғломлаштириш ёки тугатиш бўйича ҳудудий Дастур» ижроси юзасидан «Савдогарбанк» Тошкент вилоят филиали томонидан 2010 йилда кўпгина ишлар амалга оширилди.

Вилоятда озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ишга туширилиши бўйича 2010-2012 йилларга мўлжалланган манзилли Дастур доирасида шу йил давомида 2 та лойиҳани ишга тушириш учун жами 120,0 млн. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди ва 8 та янги иш ўринлари яратилди.

Булардан бири Зангиота филиали миждозини Асилхон Жалолов бўлиб, унга қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш мақсадида банк томонидан технология сотиб олиш учун 3 йил муддатга 100 млн. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Бу маблағ ҳисобидан йилига 110 тонна қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ускуна сотиб олинди. Корхона бизнес-режасига мувофиқ ўрнатилган қўшимча асбоб-ускуналар ёрдамида 2010 йилда 120 тонна, яъни 50,0 млн. сўмлик, 2011 йилда 130 тонна, яъни 60 млн. сўмлик, 2012 йилда 140 тонна, яъни 70 млн. сўмлик сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Банкнинг молиявий кўмагида корхонанинг ишлаб чиқариш қувватла-

ри 45 фоизга ошишига, ҳар йили ўртача 10,0 млн. сўм миқдорда қўшимча фойда олишга ҳамда 8 та янги иш ўрни ташкил этишга эришилади. Ҳозирги кунда 4 та янги иш ўрни яратилди.

Қибрай филиали миждозини «Қибрай Коопсавдо» масъулияти чекланган жамиятга қарашли нон ишлаб чиқарувчи шўъба корхонасига нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда хомашё ва ун маҳсулотлари сотиб олиш учун берилган 20,0 млн. сўм миқдордаги кредит маблағи ҳисобига нон ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхонанинг товар айланмаси ортиб бормоқда ва 4 та янги иш ўрни очилган.

Юқоридаги ажратилган кредитлар натижасида яратилган янги иш ўринлари 250 тани ташкил этди. Шу билан бир қаторда, банк филиаллари томонидан фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги техникаси сотиб олишга 64 млн. сўм кредит маблағи ажратилган.



Ҳар бир миждознинг банк хизматларига бўлган эҳтиёжини имкон қадар қондириш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик — банк вилоят бўлимининг ҳам корпоратив, ҳам хусусий миждозлар билан ишни ташкил этишдаги асосий мақсадидир.

Миждозлар билан ишлаш услубларини мунтазам тақомиллаштириб бориш ва хизмат кўрсатишнинг энг замонавий илғор шакллари амалиётга жорий этиш йўлидаги банк ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида миждозларнинг филиаллар билан ҳамкорлиги катта самара бермоқда. Пул маблағларини бошқариш тезкорлигини ошириш, ҳисоб-китобларни сифатли ўтказиш, вақтни тежаш мақсадида банкда «Банк — миждоз» дастури кенг қўлланилмоқда.

**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРҲАБИБОВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари, Ҳакимжон СОЛИҲОВ олган суратлар.**



*Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Чунончи, жорий йил 1 август ҳолатига 451,2 млн. сўм кредит ажратилган. Амалиёт бўлимининг 298 млн. сўм кредит маблағлари ҳисобига 4 та ёш оила уй-жой билан таъминланди. Филиаллар томонидан 15 та ёш оилага 153,2 млн. сўм миқдорда ипотека кредитлари, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар ажратилди.*





### «Ягонасан, муқаддас Ватан!»

#### Кўшиқларда Ўзбекистон мадҳи

##### Танлов

Пойтахтимиздаги «Туркистон» қошонасида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Унда Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, «Ўзбекинав» эстрада бирлашмаси тизими бўйича туман, шаҳар ва республика босқичларида қатнашган 183000 нафардан зиёд иштирокчи орасидан якуний босқичга йўлланма олган 40 нафар хонанда ва 5 та ижодий жамоа қатнашди.

Ўтган йилдан бошлаб Юртимизнинг ташаббуси билан ўтказилаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг мақсади — мазмунан тэран, бадийий ётуқ куй-қўшиқларда дунёда ягона бўлган жаннатмакон Ўзбекистонимизни улуглаш, уни кўз қорачигидек асраш, ёшлар қалбига ватанпарварлик туйғусини янада камол топтириш, Ватанга садоқат, унинг тақдирини учун дахлдорлик

ҳиссини тарбиялашдан иборат.

Кўрик-танловнинг саралаш босқичлари юксак савияда ташкил этилиб, халқимиз орасида янги-янги истеъдод эгаларини юзага чиқаришга хизмат қилди. Бу жараёнда нафақат янги овоз соҳиблари, балки шеърят ва мусика йўналишида ижод қилаётган янги истеъдод эгалари ҳам ўз ижод махсуллари билан иштирок этишди.

Юқори пардаларда куйланган Ватан ҳақидаги кўшиқларни кўрик-танлов ҳайъати аъзолари кўриб чиқишмоқда. Республика якуний босқичи ғолибларини тақдирлаш ва улар иштирокидаги катта концерт Мустақиллик байрами арафасида ўтказилади.

Темур Аъзам «Ўзбекистон овози» мухбири.

### «Мустақиллик ёшларимиз»

#### 2010 йил — Баркамол авлод йили

Термизда Ватаннинг мустақиллигининг 19 йиллиги муносабати билан шу номда ёшлар форуми бўлиб ўтди.



чилар, фахрийлар иштирокида катта байрам тадбири ўтказилди.

— Биз бахтли авлодимиз, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Севара Норбоева. — Билим олиш, касбухона сирларини эгаллашимиз учун барча шароитлар яратилган. Юртимизда истеъдодли ёшлар учун ҳар йили кўплаб кўрик-танловлар ўтказилаётгани бунинг ёрқин исботидир. Натижада чекка қишлоқлардан ҳам бетакрор истеъдодлар етишиб чиқмоқда. Биз ёшлар бундай имкониятлардан унумли фойдаланишимиз лозим.

Бу ёруғ оламда инсон учун энг улугъ неъмат бу, шубҳасиз Мустақилликдир! Ўтказилган тадбирларда мустақилликнинг моҳияти, ўтган ўн тўққиз йил давомида янги жамят қуриш йўлидаги ислохотлар кўлами, ўзгариш ҳамда янгиланишларни жамоатчилик, айнасида, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилишга алоҳида аҳамият қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Тадбирларга таниқли эстрада хонандалари ижросидаги Ватан, Мустақиллик, тинчлик ва дўстликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар фойз киритди.

Абдумалик ХАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

### Нуронийлар иззатда

Қашқадарё вилоятида жорий йилнинг биринчи ярмида уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз қариялар ва ногиронларга моддий ёрдам кўрсатиш ва улар иштирокида ўтказилган турли тадбирлар учун «Нуроний» жамғармаси ҳамда ҳомий ташкилотлар томонидан 1 миллиард 412,6 миллион сўм маблағ сарфланди.

Жамғарма фаоллари, бир қатор вилоят ташкилотлари вакиллари иштирок этган «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими кенгашининг биринчи ярим йиллик иш фаолияти якунларида бағишланган кенгайтирилган мажлисда шу ҳақда сўз юритилди. Мажлисда юртимизда кекса авлод вакиллариининг ижтимоий ҳимояси, уларга кўрсатилаётган ҳурмат ва гамҳўр-

лик ҳақида гапирлар экан, фахрийлар учун хайрия тадбирлари ўтказиш ва моддий ёрдам ажратишда бошқаларга ўрнак бўлаётган ҳомий корхоналар ҳамда шахслар саҳоят ва патшаллиги алоҳида эътироф қилинди.

Бундан ташқари, мажлисда жамғарма кенгаши ва раёсати аъзолари тарқибга ўзгаришлар киритилди.

Музаффар ТУРОПОВ

### Ўзбекистонга ғалаба билан қайтамиз



Сингапур олимпиадаси учинчи кунда эркин кураш мусобақасининг 76 кг вазн тоифасида қатнашган Диеб-бек Эргашев жамоадорлари ғолиблик анъанасини давом эттирди. У олимпиада бронза медали билан Ўзбекистон терма жамоаси медаллар жамғармасига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Мусобақанинг дастлабки кунда юнон-рум кураши беллашувларида Нурбек Ҳаққулов кумуш, Руслан Комилов бронза, иккинчи кун аёллар курашида Нилуфар Гадовва бронза медалига сазовор бўлганди. Учинчи кун кураш гиламига чиққан Диеббек Эргашев ўз гуруҳида 2-ўринни эгаллади ва 3-ўрин учун кечган баҳса мисрлик Али Амриддан 3:0 ҳисобида устун келиб, Сингапур олимпиадасининг бронза медали билан тақдирланди.

Юлдуз Кўчқорова 100 метрга чалқанча усулда сузиш мусобақасида 8-ўринни эгаллаганди. У 200 метрга чалқанча усулда сузиш мусобақасининг саралаш мусобақасида муваффақиятли қатнашди. Лекин ярим финал баҳсларида унга бироз омад етишмади. Бугун Юлдуз 50 метр чалқанча усулда сузиш баҳсларида иштирок этди. 200 метрга комплекс сузиш мусобақасида қатнашган Дмитрий Швецов ҳам ярим финалда баҳсларини тўтатди. У кеча 200 метрга брасс усулида сузиш мусобақасида қатнашди.

Оғир атлетиканинг 75 кг вазн тоифасида мусобақасида Зиёвуддин Кутбидинов 4-ўрин билан кифояланди. Кеча шу турда Ганна Пустоварова жамоадорчи натижасини яхшилаш учун баҳсларга киришди. Спорт гимнастикчиларимиз Эдуард Шаулов ва Дилноза Абдувалимова саралаш мусобақаларидан муваффақиятли ўтишди. Улар ҳам кеча финал баҳсларида маҳоратларини намойиш эттишди.

Асрор МҮМИН, «Ўзбекистон овози» мухбири.


Пойтахтимиздаги «Шарқ зиёкори» масъулияти чекланган жамият Наманган шаҳрининг Давлатобод мавзесида «Китоб маркази» очди. Бу маънавият ва маърифат масканининг тақдимот маросими катта тантанага айланди.

### Янги «Китоб маркази»

«Шарқ зиёкори» МЧЖ буюртмасига кўра, «Фасад лойиҳа дизайн» кичик корхонаси бунёдкорлари умумий қиймати 150 миллион сўмини ташкил этган китоб дўконини сифатли қуриб, фойдаланишга топширди. «Китоб маркази»га умумий қиймати 50 миллион сўмдан зиёд 10 минг турдаги канцелярия моллари, ўқув дарсликлар, бадий адабиётлар, болалар адабиёти, жаҳон адабиёти дурдоналари сотувга қўйилди. Интернет кафега эга маскан унинг тантанали очилиш маросими иштирокчиларига манзур бўлди. Наманган шаҳридаги 49-умумтаълим мактаби қошидаги «Истиклол гунчалари» дастасининг чиқишлари маросимга янада байромона руҳ бағишлоди.



Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Шураат Омиров (ўста) олган сурат

Андижон шаҳридаги замонавий архитектура талаблари асосида қайта бунёд этилган «Янги бозор» икки гектардан ортиқ майдонни эгаллади. Бозорда бир минг 143 ўринли очиқ ва ёпиқ савдо расталари мавжуд. Уларда сархил мевалар, सबзавот, полиз, гўшт, сут сингари озиқ-овқат маҳсулотлари батартиб сотилмоқда. Шунингдек, 174 турғун савдо дўкони харидорларга хизмат кўрсатмоқда. Айни пайтда бозор ҳудудини янада кенгайтириш ва обдонлаштириш ишлари давом этмоқда.

### Qishloq Qurilish Bank

Фуқаро муҳофазаси учун зарур бўлган анжомлар сотиб олиш бўйича танлов эълон қилади.

Танловда қатнашиш учун таклифлар эълон чиққан санадан бошлаб 7 кун давомида қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар учун: 100060, Тوشкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36. Тел: 233-23-07, 236-16-17

#### Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси куйидаги иншоот қурилиши бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Сурхондарё вилояти жиноят ишлари бўйича Жарқўрғон туман суди биносини капитал таъмирлаш.

Буюртмачининг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан — 95,274 млн. сўм.

Қўшилган қиймат солиғисиз — 79,395 млн. сўм, қурилиш муддати — 60 кун.

Буюртмачи: Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси.

Манзили: Термиз шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 80-уй. Тел/факс: (8-376) 223-05-20, 223-04-86, 223-04-81.

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш Судлар ва адлия органла-

рини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабдорлар куйидаги шартларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи микдорини давомида маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлар (ҳизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий

лаёқат ва ваколатларга эга, таърибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳолашганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (ҳизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса,

таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларини шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/факс: (8-376)222-44-73, 222-44-76.**

Бир тўламан танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиши кун ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уйда** ўтказилади.

<b>BOSH MUHARRIR:</b>
<b>Safar OSTONOV</b>
<b>TAHRIR HAY'ATI:</b>
Abdulla ORIPOV Latif G'ULOMOV Bobir ALIMOV Sharbat ABDULLAYEVA Murodulla ABDULLAYEV Ulug'bek MUSTAFOYEV Ta'tyana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari) G'affer HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari) Muslihiddin MUHIDDINOV Andrey KUSTOV Ochilboy RAMATOV Saidahmad RAHIMOV
<b>MUASSIR:</b>
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
<b>BO'LIMLAR:</b>
<b>Partiya hayoti</b> 233-10-13
<b>Madaniyat va sport</b> 233-69-45
<b>Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot</b> 233-20-36, 233-44-55
<b>Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqliy targ'ibot</b> 233-12-56
<b>Reklama va e'lonlar</b> 233-38-55, 233-47-80
<b>Mas'ul kotib</b> 233-72-83, 236-55-17
<b>VILOYAT MUXBIRLARI:</b>
<b>Andijonda</b> — 25-32-70
<b>Buxoroda</b> — 233-06-02
<b>Gulistonda</b> — 25-46-45
<b>Jizzaxda</b> — 227-48-35
<b>Navoiyda</b> — 223-83-73
<b>Namanganda</b> — 226-43-81
<b>Nukusda</b> — 222-77-21
<b>Samarqandda</b> — 35-02-55
<b>Urganchda</b> — 517-30-58
<b>Farg'onada</b> — 224-18-78
<b>Denovda</b> — 8-37641-23-780
<b>MANZILIMIZ:</b>
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va shahifalandi.
Sahifalovchi-tausturichilar: Sobirjon DUNG'ATOV, Zafar BAKIROV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonalar: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta shehbanba, paysbanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahrirat ruqsati bilan amalga oshirildi.
Г — 749
8091 nusxada bosildi
Т — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'za yakuni — 20.35
Topshirigan vaqti — 23.55
1 2 3 4
Sotuvda erkin narxda

### ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

Сиз учун диққатга лойиқ «МЎЪЖИЗА» омонатини таклиф этади.

Омонатта маблағлар банкнинг барча муассасалари томонидан 6 ой мuddатга йиллик 16 % миқдорида даромадлари билан бирга, омонатдаги маблағлар белгиланган мuddат давомида сақлангандан сўнг, омонат қолдиғига 4 % бонус тариқасида қўшимча даромад тўланади.

### ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИНГ!

### ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

Қўшимча маълумотларни 150-12-91 телефони орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган

